

**Гулистон давлат университети Ижтимоий-
иқтисодиёт факультети**

КУРС ИШИ

**Мавзу: МДХ ва хорижий давлатларда бир канча
жиноятларни содир этиш тушунчаси, уларнинг узига хос
хусусияти**

**Бажарди: Шукуров Ё
Текширди: Анварова Д**

2014 йил

Режа:

I Кириш

II Асосий кисим

1.Узбекистон Республикаси жиноят конунчилигида бир канча жиноятлар содир этиш тушунчаси ва уларнинг узига хос хусусияти

2.МДХ ва хорижий мамлакатларда бир канча жиноятларни содир этиш тушунчаси ва уларнинг узига хос хусусиятлари

а) Такроран жиноят содир этиш

б) жиноятлар мажмуи

с) рецидив жиноятлар

III Хулоса

IVФойдаланилган адабиётлар руйхати

Кириш

Хозирги кунда демократик ҳукукий тенденция асосида уз бошқарув тизимига эга булган давлатлар имкон кадар шахс, жамият ва давлат манфаатларини, узларининг гайриконуний максад ва манфаатларига эришишнинг жамият учун ижтимоий хавфли усулини танлаган шахсларнинг тажовузларидан химоя килишни бош мезон килиб белгилаган.Бу жиноий характерга эга булган биргина килмиш хам жамият учун хавф тугдиради,чунки бир жиноят иккинчи жиноятни келтириб чикаради ва бири иккинчисига туртки булади.Бундай узаро тасирий муносабатлар бир неча жиноятларни содир этилишига олиб келади,табийки бундай бир неча жиноятлар якка жиноий килмишлардан фарк килади.Мен Ушбу мазуни танлашимдан максад республикамиз жиноят конунчилигида, мустакил давлатлар хамдустлигида ва хорижий мамлакатларда бир канча жиноятларнинг содир этилиши,уларнинг якка жиноятлардан фарки, ухшаш жихатлари,килмишни квалификация килиш механизми уларни турларга ажратишда асосий мезон хисобланадиган омилларни хар томонлама тахлил этиш.Чунки барча давлатларда бир канча жиноятларни содир

этишнинг ҳукукий белгилари бир хил эмас.Баъзи давлатларда бир неча килмишларни содир этишда Ушбу килмишлар учун мукаддам судланганлик,жавобгарликка тортиш муддатининг утиб кетмаганлиги,бир неча килмишларнинг жиноят конунининг махсус кисми турли моддаларида бир моддасида,унинг бир кисмида назарда тутилганлиги килмишни такроран,жиноятларнинг жами ёхуд рецидив деб топишда хал килувчи омил хисобланади.

Ҳукукий табиатига кура жиноятлар жами такроран жиноятларга караганда ижтимоий хавфи юкорирок,рецидив жиноятлар эса жиноятларнинг жамига караганда ижтимоий хавфи юкорирокдир,чунки такроран жиноятларда тажовуз объекти бир-бирига якин ва бир хилдир.Максадим мана шу ҳолатларни бошка давлатларнинг жиноят конунчилиги мисолида куриб чиқишдир.

**Ўзбекистон республикаси жиноят қонунида бир қанча
жиноятларни содир этиш тушунчаси ва уларнинг узига
хос хусусияти**

Ўзбекистон республикаси жиноят қонунида бир қанча
жиноят содир этишнинг уч тури назарда тутилган :

- а) Такроран жиноят содир этиш
- б) Жиноятларнинг жами
- в) Рецидив жиноят

Жиноятларнинг бундай турларга ажратилиши уларнинг
узига хос хусусиятига қараб фарқланган. Жиноятларнинг
бундай узига хос хусусияти уларни бирини иккинчисидан
фарқлаш имконини беради.

Республиканинг жиноят қонунчилигида такроран жиноят
содир этиш деганда, Ушбу кодекс махсус қисмининг битта
моддасида ёки бир моддасининг битта моддасида назарда
тутилган , алоҳида қўрсатилган ҳолларда ушбу кодекснинг
турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча
жиноятларни турли вақтларда содир этганлиги ва шахс ушбу
қилмишларнинг биронтаси учун судланмаган бўлиши
белгиланган. Башарти шахс қилмиши учун жиноий

жавобгарликдан ёки жиноий жазодан озод килинган булса, унинг килмиши такроран жиноят содир этиш деб топилмайди. **Такроран жиноят содир этишнинг бошка жиноятларни ва бир канча жиноятларни содир этишдан фаркловчи узига хос хусусиятлари:**

- 1) Жавобгарликка тортиладиган икки ёки ундан жиноятларни содир этилганлиги,
- 2) Килмишларнинг турли вақтларда содир этилганлиги,
- 3) Килмишларни биронтаси учун судламаганлиги,
- 4) Жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод килинмаганлиги,
- 5) Жавобгарликка тортиш муддатининг утиб кетмаганлиги,
- 6) Ушбу килмишларнинг ягона касд ва мақсад билан камраб олинмаганлиги,
- 7) Килмишларнинг ушбу кодекс махсус қисмининг бир моддасида ёки бир моддасининг бита қисмида назарда тутилган бўлиши.

Бир канча жиноятлар иккинчи тури сифатида жиноятлар жами – Ушбу кодекс махсус қисмининг турли моддаларида ёки бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки

¹бир неча жинойй килмишларни содир этиш, башарти шахс уларнинг биронтаси учун судланмаган булса,жиноятлар жами деб топилади.***Жинойтлар жамининг бошка жинойт ва бир канча жинойтлардан фаркловчи узига хос хусусияти:***

- 1)Килмишнинг ушбу кодекс махсус кисмининг турли моддасида ёки бир моддасининг турли бандларида назарда тутилган булиши,
- 2)Жавобгарликка тортиш муддатининг утиб кетмаганлиги,
- 3)Килмишларнинг биронтаси учун шахснинг судланмаганлиги,
- 4)Шахснинг жинойй жавобгарликдан ёки жазодан озод этилмаганлиги,
- 5)Килмишнинг ягона касд ва максад билан камраб олинмаганлиги .

Жинойтлар жамида хар бир килмиш мустакил таркибга эга ,такроран жинойтларда эса килмишлар яъни тажовуз объекти бир хилдир. Агар килмиш бир модданинг турли бандларида назарда тутилган булса,шу модданинг огиррок кисми учун белгиланган жазо тури тайинланади.

¹ Узбекистон республикаси жиноят кодексига шархлар.М.Х.Рустамбоев. 253-279 бетлар
Умумий кисм.ИЛМ ЗИЁ нашриёт уйи,2006й

Бир канча жиноятларнинг ичида рецидив жиноят содир этиш такроран ва жиноятлар жамини содир этишдан тубдан фарк килади. Рецидив жиноятлар ижтимоий хавфлилигига кура:

а) оддий рецидив

б) хавфли рецидив

в) ута хавфли рецидив турларга булинади.

Шахснинг илгари касддан содир этган жинояти учун судланганидан сунг касддан янги жиноят содир этиши, рецидив жиноят деб топилади.

Илгари ҳукм килинган жиноятига ухшаш жиноят содир этган, Ушбу кодексда алохида курсатилган ҳолларда, эса махсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм килинган шахснинг касддан жиноят содир этиши ***хавфли рецидив жиноят, деб топилади.***

Беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган касддан янги жиноят содир этиш яъни.

а) илгари ута оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларни нг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш

жазоси тайинланган шахс томонидан ута огир жиноят содир этилиши,

б) илгари огир жинояти икки марта ҳукм килинган ёки олдин –кейинлигидан қатъий назар,огир ёки ута огир жиноятлари учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг огир жиноят содир этиши ре ***ута хавфли рецидив жиноят, деб топилади***.Шахс суд ҳукми билангина ута хавфли рецидив деб топилиши мумкин.Шахсни ута хавфли рецидив деб топишда унинг бошқа давлат судлари томонидан ҳам ҳукм килинганлиги инобатга олиниши мумкин.Шахсни ута хавфли рецидив деб топишда унинг 18ёшгача содир этган жинояти учун судланганлигининг,шунингдек қонунда белиланган судланганлик муддатининг утиб кетганлиги ёки олиб ташланганлиги инобатга олинмайди.Шахсни рецидив деб топиш қуйидаги ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин:

а)Шахснинг қилмиши огирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланишига олиб қилиши мумкин,

б)Жазо муддатининг қисқартирилишига ёки унинг енгилроғига алмаштирилишига тусқинлик қилинишига,

в)Шартли хукм белгиланмаслигига,

г)Жазони каттик тартибли калонияларда уташни белгиланишига олиб келиши мумкин.

Рецидив жиноятни содир этган шахс илгари содир этган жинояти учун белгиланган жазони утаб чикиб,тегишли хулоса чикармасдан касддан янги жиноятсодир этганлиги учун хам жамият учун жуда катта ижтимоий хавф тугдиради.

Куйида МДХ ва хорижий мамлакатларда бир канча жиноятлар содир этиш,уларнинг турлари ва узига хос хусусиятларини куриб чикамиз.

Латвия

Латвия давлатида бир канча жиноятлар содир этиш икки ёки ундан ортик жиноий килмишларни содир этишни назарда тутди. Ушбу давлат жиноят конунчилигида бир канча жиноят содир этиш деганда шахснинг икки ёки бир канча жиноят содир этиши, жавобгарликка тортиладиган бир канча жиноят белгилари мавжуд булган бир канча жиноятларни ёки бир жиноий килмишни содир этиши, башарти килмиш ягона жиноий касд Билан камраб олинмаган булиши белгиланган. Латвия жиноят конунчилигида бир канча жиноятсодир этишнинг уч тури фаркланган:

1) Такроран жиноят содир этиш-

- а) шахснинг Ушбу кодекс махсус кисмининг битта моддасида алохида курсатилган холларда турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир канча жиноий килмишларни содир этиш, агар бундай такрорийлик учун кодексда жавобгарлик белгиланган булса,
- б) агар шахс жиноий жавобгарликдан, жазодан озод килинган булса, жавобгарликка тортиш муддати утиб кетган булса, шунингдек конунда белгиланган тарзда судланганлиги олиб

ташланган ёки тугатилган булса килмиш такрорий деб топилмайди.

в) башарти такрорий жиноий килмиш таркибининг белгилари мавжуд айбли жиноий килмишлар бир моддада курсатилган булса, жавобгарлик Ушбу кодекснинг шундай жиноий килмишлар учун жавобгарликни кузда тутувчи модданинг қисмлари буйича белгиланиши белгиланган.

Такроран жиноят содир этишининг узига хос хусусияти:

а) икки ёки бир неча жиноятларнинг содир этилганлиги,

б) шахснинг килмишларнинг биронтаси учун судланмаганлиги,

в) жавобгарликка тортиш муддатининг утиб кетмаганлиги,

2) Жиноятларнинг жами –

а) шахснинг бир ёки бир канча жиноятларни ёхуд жавобгарлик белгиланган икки ёки бир канча турли жиноятларни содир этиши, башарти шахс уларнинг биронтаси учун ҳам судланмаган булса ва жавобгарликка тортиш муддати утиб кетмаган булса жиноятлар жами деб топилади.

б) шахснинг икки ёки бир канча турли жиноий килмиш белгиларини уз ичига олган бир жиноятни содир этиши жиноятларнинг идиал жами деб топилиши,²

Латвия республикаси жиноят кодекси. 99й 1-апрель. Конд., юрид., наук Стуканова
Юридический центр пресс 2001й. Умумий қисм, 2-боб, 64-67 бетлар

в)шахснинг икки ёки бир канча бир –бирига ухшамаган ,шунингдек,бир канча жиноят таркибининг белгилари мавжуд булган килмишни содир этиши жиноятларнинг реал жами деб топилиши белгиланган,
г)агр шахс жиноий жавобгарликдан озод килинган булса ,жиноятларнинг жами деб топилмайди.

Жиноятлар жамининг узига хос хусусияти:

а)килмишнинг жиноятларнинг жами сифатида идиал ва реал га ажратилганлиги,
б)шахснинг жиноий жавобгарликдан ва жазожан озод килинмаганлиги,
в)шахснинг судланмаганлиги ва судланганлигини олиб ташланмаганлиги,
г)жавобгарликка тортиш муддатининг утиб кетмаганлиги.

3)Рецидив жиноят деганда -шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганидан кейин касддан янги жиноятсодир этиши белгиланган,башарти шахснинг судланганлиги олиб ташланмаган ёки тугатилмаган булса.

Латвия жиноят конунчилигида хавфли ва ута хавфли рецидив жиноятларнинг норматив ҳукукий асоси белгиланмаган яъни рецидив жиноятлар ижтимоий хавфли хусусиятига кура погоналарга ажратилмаган.

Козогистон

Жионят конунчилигида бир канча жионятлирнинг уч тури курсатилган:

1) такроран жионят содир этиш – ушбу кодекс махсус кисмининг бита моддасида ёки бир моддасининг турли бандларида назарда тутилган, алохида курсатилган холларда турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жионятларни содир этиш агар шахс уларнинг биронтаси учун судланмаган ва жинойй жавобгарликдан озодд килинмаган булса такроран жионят содир этиш деб топилади. Шахсининг жинойй килмишлари ягона жинойй касд ва максад билан камраб олинган булса килмиш такроран деб топилмаслиги белгиланган. **Такоран жионят содир этишнинг узига хос хусусияти:**

а) жионят кодексининг махсус кисмининг бир моддасида ёки бир кисмида назарда тутилган икки ёки ундан ортик килмишнинг содир этилганлиги,

б) шахс уларнинг биронтаси учун судланмаганлиги ёки жинойй жавобгарликдан озод этилмаганлиги

2) Жионятлар жами – ушбу кодекс махсус кисмининг турли моддасида ёки бир моддасининг турли кмсларида назарда

тутилган икки ёки ундан ортик жиноий килмишларни содир этиш, башарти шахс уларнинг биронтаси учун судланмаган булса, конунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликдан жазодан озод килинмаган булса жиноятларнинг жами деб топилиши белгиланган. Агар шахснинг килмиши Ушбу кодекс махсус кисмининг бир моддаси турли бандларида назаода тутилган булса шу модданинг огиррок кисми билан квалификация килиниши лозимлиги белгиланган. Шахснинг харакат ёки харакатсизлик билан содир этган килмиши бир мода Билан камраб олинмаса шу килмишни назарда тутувчи бошка моддалари билан жавобгарлик белгиланиши лозим. Агар шахснинг килмишини квалификация килишда махсус ва умумий нормалар тукнаш келса махсус кисм нормалари амал килади.

Ушбу жиноятнинг бошка бир канча жиноятлардан фаркловчи узига хос хусусияти:

а) Ушбу кодекс махсус кисмининг турли моддасида ёки бир моддасининг турли бандларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятларни содир этганлиги ,

б) килмишларнинг биронтаси учун судланмаганлиги ва жинои жавобгарликдан, жазодан озод килинмаганлиги,

в) ж³авобгарликка тортиш муддатининг утиб кетмаганлиги

Рецидив жиноят-Шахснинг илгари касддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин касддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят сифатида жноят конунида белгилаб куйилган.

Илгари касддан содир этган жинояти учун икки марта озодликдан ахрум килиган шахснинг касддан янги жиноят содир этиши,ёхуд илгари огир жиноят содир этган шахснинг касддан янги жиноят содир этиши-хавфли рецидив жиноят сифатида жиноят конунида белгиланган

Куйидаги холларда шахс ута хавфли рецидивист деб топилиши мумкин:

а)илгари содир этган огир ёки ута огир жинояти учун камида уч марта озодликдан махрум килинган шахснинг касддан янги жиноят содир этиши,

б)огир турдаги жинояти учун икки марта озодликдан махрум килинган шахснинг худи шундай жиноятни содир этиши,

в)ута огир ёки огир жинояти учун хукм килинган шахснинг ута огир жиноят содир этиши.

Шахсни ута хавфли рецидивист деб топишда унинг 18 ёшга тулгунга кадар содир этган жинояти,унинг судланганлиги ёки

³ Козогистон республикаси жиноят кодекси 97й 16июнь.Док.,юрид.,наук.,проф.И.Рогова
Юридический центр пресс 2001й.Умумий кисм 2-булим 35-38 бетлар

судланганлигининг олиб ташланганлиги аҳамиятга эга эмас. Козогистон республикаси жиноят қонуни ушбу кодексда қўрсатилган ҳолларда рецидив жиноятлар учун оғирроқ жазо белгилашни белгилаган.

Украина

Украина давлати жиноят конунчилигида бир канча жиноят содир этишнинг уч турини норматив ҳукуккий асосини белгилаган.

1)Такроран жиноят содир этиш-

а)шахс жиноят кодекси махсус кисмининг битта моддасида ёки бир моддасининг битта бандида назарда тутилган икки ёки ундан ортик қилмишни содир этиши,

б)Ушбу модданинг биринчи қисмида қурсатилган такрорийлик икки ёки ундан ортиқ қилмишдан иборат бўлиб бир жиноятни ташкил этса,такроран жиноят содир этиш деб топилади.Бшарти шахс қилмиши учун судланган бўлса, ёки жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилинган бўлса такроран жиноят содир этиш деб топилмайди.***Ушбу жиноятнинг ҳукукий белгилари:***

а) жиноят кодекс махсус кисмининг битта моддасида ёки бир моддасининг бир қисмда назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ ⁴қилмишни содир этиши,

⁴Украина республикаси жиноят кодекси.7-боб 35-36 бетлар
Док.юр.ид.наук.проф.Сташиса.Юридик центр пресс 2001й.

б) шахнинг килмишларидан биронтаси учун судланмаганлиги, жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод килинмаганлиги, лекин жавобгарликка тортиш муддатининг утиб кетганлиги ёки йуклиги конунда белгиланмаган.

2) Жиноятлар жами-шахнинг жиноят кодекси махсус кисимнинг турли моддаларида ёки бир модданинг турли бандларида назарда тутилган икки ёки ундан ортик килмишларни содир этиши, башарти шахс уларнинг биорнтаси учун судланмаган булса, жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод килинмаган булса, жиноятлар жами деб топилади. Жиноятларнинг жами буйича хар бир килмиш жиноят кодексинингунга тегишли бир моддаси ва иодданинг кисми буйича жавобгарлик белгиланишини конун мустахкамлаган. **Килмишнинг жиноятларнинг жами сифатида хукукий белгиси:**

а) килмишнинг жиноят кодекси турли моддаларда ёки унинг турли бандларида назарда тутилганлиг,

б) шахнинг килмишлари учун судланмаганлиги, жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод килинмаганлиг.

Рецидив жиноят — илгари касддан жиноят содир этган шахснинг судланганидан кейин касддан янги жиноят содир этиши. Украина жиноят конунчилиги шахснинг содир этган

жинояти учун неча марта хукм килинганлигини, кандай тур⁶даги жиноятларни содир этганликни, уларнинг ижтимоий хавфли хусусиятини ҳисобга олиб рецидив жиноятларни гуруҳларга ажратмаган, факатгина жиноят учун судланганликка эътиборни қаратган.

6

Япония

Япония давлатининг жиноят конунчилигида бир канча жиноятларни содир этиш бошка давлатларнинг жиноят конунчилигидан кескин фарк килади, Япония жиноят конунчилиги бир канча жиноятларни содир этиш деганда, факатгина жиноятлар жами назарда тутилган, такроран жиноят содир этиш, рецидив жиноятларнинг норматив ҳукукий асоси конунда курсатилмаган. Бир шахс томонидан содир бир неча жиноятларни содир этиш, агар уларга нисбатан суднинг конуний кучга кирган қарори бўлмаса, жиноятлар жами деб топилади дейилган.

Шундай экан шахснинг қилмиши жиноят кодексининг битта моддасида ёки қисмида ёхуд унинг турли моддаларида ва бандларида назарда тутилганлиги қилмишни квалификация қилишда аҳамият қасб этмайди, лекин шахснинг судланганидан сунг жиноят содир этишининг ҳукукий⁷ оқибати, қилмишни қандай баҳолаш курсатилмаган, шу жиҳатлари билан бошка давлатларнинг жиноят қонунидан кескин фарк килади.

⁷ Япония жиноят кодекси. Умумий қоидалар 1-қисм 54-бет. Док. юрид. наук. проф. Коробеева. Юридический центр пресс 2001й

Тожикистон

Тожикистон давлатида бир канча жиноятларни содир этишнинг уч тури жиноят конунида мустахкамланган. Улар куйидагилардан иборат:

1) Такроран жиноят содир этиш-

а) жиноят конунининг махсус кисми бир моддасида ёки бир моддасининг бита бандида назарда тутилган икки ёки ундан ортик килмишларни содир этиш,

б) Жинот конунида алохида курсатилган ҳолларда ушбу кодекс махсус кисимнинг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортик килмишларни содир этиш килмишни такроран деб топилишига сабаб булади,

в) Башарти шахс килмишларининг биронтаси учун судланган бўлса, судланганлиги тугатилган ёки олиб ташланган, жавобгарликдан озод килинган бўлса килмиш такрорий деб топилмайди,

г) башарти килмиш ягона касд билан камраб олинган ва ягона жиноий мақсадга йуналтирилган бир-бирига ухшаш жиноий килмишлардан иборат бўлса килмиш такрорий деб топилмайди,

д)Мажбуриятларни узок вақт мобайнида бажармаслик билан боғлиқ узокка чузилган жиноий қилмишлар ҳам такрорий деб топилмайди.

Ушбу жиноятнинг узига хос хусусиятлари- шахснинг жиноят кодекси махсус қисмининг бир моддасида ёки унинг бир қисмида, алоҳида қурсатилган ҳолларда унинг турли қисмларида қурсатилган икки ёки бир неча жиноий қилмишларни содир этиши, шахснинг судланмаганлиги, жавобгарликка тортиш муддатининг утиб кетмаганлиги, бир неча жиноий қилмишларнинг ягона жиноий қасд билан қамраб олинмаганлиги.

2)Жиноятларнинг жами- жиноят қонуни махсус қисмининг бир моддасида ёки бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ қилмишни содир этиш, башарти шахс Ушбу қилмишлари учун судланмаган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод қилиш асосларига қура жазодан ёки жавобгарликдан озод қилинмаган бўлса, жиноятлар жами деб топилади. Шахснинг жиноят кодекси махсус қисмининг турли моддаларида ёки унинг турли

кисмларида назарда тутивчи бир ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги ҳа⁸м жиноятлар жами сифатида баҳоланади.

Ушбу жиноятларнинг узига хос хусусияти:

а)Килмишларнинг жиноят кодекси махсус қисимнинг турли моддаларида ёки унинг қисмида назарда тутилганлиги,

б)Шахснинг судланмаганлиги, жиноий жавобгарликдан ва жазодан озд қилинмаганлиги,

в)Жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноятларни содир этганлиги.

3)Рецидив жиноят-

а)Илгари қасддан содир этган жинояти учун судланган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши,рецидив жиноят деб топилади.

б)Хавфли рецидив жиноят-қасддан содир этган жинояти учун икки мартадан қам бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахснинг озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан жиноят содир этиши,илгари қасддан содир этган оғир ёки ута оғир жинояти учун озодликдан маҳрум этилган шахснинг қасддан оғир жиноят содир этиши,шахсни хавфли рецидивист деб топишга асос бўлади.

⁸ Тоҷикистон жиноят кодекси 2-боб 3-булим 34-39 бетлар.
Юридический центр пресс 2001й.Педислование Фёдорова

в)Шахс куйидаги холларда ута хавфли рецидивист деб топилади-шахснинг уртача огир,огир ёки ута огир жиноят содир этиши ёхуд бошка хар кандай жинояти учун уч марта озодликдан махрум килинган шахснинг касддан янги жиноят содир этиши,илгари касддан икки марта жиноят содир этган шахснинг касддан огир жиноят содир этиши,илгари ута огир жинояти учун ёки икки огир жинояти учун хукм килинган шахснинг касддан ута огир жиноят содир этиши.

Шахсни ута хавфли рецидивист деб топиш масаласи хал этилаётган пайтда унинг 18 ёшгача содир этган жинояти,судланганлигини тугатилганлигини,ёки олиб ташланганлигни ахаимяти йук.Конунда курсатилган холларда рецидив жиноятлар учун каттикрок жазоназарда тутилиши белгиланган.

Россия

Россия жиноят конунчилиги бир канча жиноят содир этишнинг уч турини назарда тутган.

1.Такроран жиноят содир этиш-жиноят кодексининг бита моддасида ёки бир моддасининг бир қисмида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ қилмишни содир этиш,башарти шахс уларнинг биронтаси учун судланмаган бўлса васудланганлиги тугатилган бўлса қилмиш такроран деб топилади.Жиноят кодексининг турли моддаларида назарда тутилган қилмишлар фақатгина Ушбу кодексда алохида қурсатилган ҳоллардагина такроран деб топилади.Агар шахс қилмишлардан биронтаси учун жиноий жавобгарликдан озод қилиш асосларига қура жавобгарликдан ва жазодан озод қилинган бўлса қилмиш такроран деб топилмайди.**Ушбу жиноятнинг узига хос хусусияти:**

- а)қилмишнинг жиноят кодекси махсус қисимнинг бита моддаси ёки қисимда назарда тутилганлиги,
- б)шахснинг судланмаганлиги важиноий жавобгарликдан ёхуд жазодан озод қилинмаганлиги

2.Жиноятларнинг жами-жиноят кодексининг турли моддасида ёки бир моддасининг турли бандларида назарда тутилган икки ёки ундан ортик килмишни содир этш,башарти шахс уларнинг биронтаси учун судланмаган ва жиноий жавобгарликдан озод килинмаган булса жиноятларнинг жами деб топилади.Шунингдек жиноят таркибининг белгилари мавжуд булган содир этилган бир ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят кодексининг икки ёки ундан ортик моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқарса ҳам жиноятларнинг жами деб баҳоланади.*Ушбу жиноятнинг узига хос хусусияти:*

а)килмишнинг жиноят кодекси турли моддаларида ёки бир модданинг турли бандларида назарда тутилганлиги,
б)шахснинг килмишлари учун судланмаганлиги ва жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод килинмаганлиги,
в)агар Ушбу ҳолат юзасидан умумий ва махсус қисим нормалари тўқнаш қилиб қолса махсус қисим нормалари амал қилади.

3.Рецидив жиноят-илгари қасддан содир этган жинояти учун судланган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши рец⁹идив жиноят деб топилади.

⁹ Россия жиноят кодекси.96й 13-июнь.Умумий қисм 3-боб, 9-10 бетлар
Издательская группа норма 2001й

Илгари касддан содир этган жинояти учун озодликдан махрум килинган шахснинг озодликдан махрум килиш жазоси тайинланиши мумкин булган касддан жиноят содир этиши-***хавфли рецидив жиноят деб топилади.***

Илгари касддан содир этган уртача огир ёки огир жинояти учун уч ваундан ортик марта озодликдан махрум килишга хукм килинган шахснинг касддан жиноят содир этиши,ёхуд икки марта огир ёки ута огир жинояти учун судланган шахснинг касддан огир жиноят содир этиши,ёки илгари касддан содир этган огир ёки ута огир жинояти учун хукм килинган шахснинг касддан ута огир жиноят содир этиши-***ута хавфли рецидив жиноят деб топилади.***

Шахсни ута хавфли рецидив деб топишда унинг ун саккиз ёшгача жиноят содир этган этмаганлиг,судланганлигини тугатилганлиги ёки олиб ташланганлиги ахамиятга эга эмас.Рецидив жиноятларни квалификация килишда жиноят конуни улар учун огиррок санкцияларни куллашни назарда тутди.Бир неча жиноятларни рецидив жиноят деб топишнинг зарурий шарти шахснинг илгари касддан содир этган жинояти учун судланганлиги ва судланганидан сунг касддан янги жиноят содир этишидир.

БОЛГАРИЯ

Болгария жиноят конунчилигида бир канча жиноятларни содир этиш бошка давлатларникидан фарк килади. *Болгария жиноят конунида бир канча жиноятларни содир этиш деганда* шахснинг бир килмиши бир неча жиноятларни келтириб чикариши ёки шахснинг алохида бир неча жиноятларни содир этиши, башарти килмишлар суднинг конуний кучга кирган карори чикарилгунга қадар содир этилган бўлишини назарда тутди. Шахс томонидан содир этилган жиноий килмишлар жиноят кодекси махсус кимининг бир моддасида ёки турли моддаларида назарда тутилганлиги килмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас, гарчи тажовуз объекти бир-бирига яқин ёки бошка бошка объект бўлса ҳам.

Узининг гайри ижтимоий мақсадларига эришишнинг жамият учун ижтимоий хавфли усулини танлаган шахсга нисбатан суднинг конуний кучга кирган карори бўлмаслиги лозим, агар шундай қарор бўлса унга нисбатан огирроқ жазо белгиланиши белгиланган, лекин килмишни рецидив деб топишнинг норматив ҳуқуқий асоси жинот конунида

¹⁰ Болгария жиноят кодекси, 68й 1-май, умумий қисм 4-боб, 38-39 бетлар. Конд. юрид. наук. проф. Лукашова
Юридический центр пресс 2001й

курсатилмаган.*Болгарияда бир канча жиноятларни содир этишининг узига хос хусусияти:*

а)шахснинг икки ёки ундан ортик жиноий оқибат келтириб чиқарган бир ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ёхуд алоҳида бир неча жиноятларни содир этиши,

б)бир канча жиноятларни уларнинг жиноят кодекси махсус қисми моддаларини қамраб олиши ва судланганликнинг ҳукукий оқибатига қараб такроран, жиноятлар жами ва рецидив жиноятларга айландirilмаганлиги.

КИРГИЗИСТОН

Киргизистон жиноят конунчилиги бир канча жиноят содир этишнинг уч турини фарклайди.

1Такроран жиноят содир этиш-жиноят кодекси мазсус кисимнинг битта моддасида ёки бир моддасининг битта бандида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятларни содир этиш,шунингдекалохида курсатилган холларда турли моддаларида назарда тутилган килмишларни содир этиши такроран деб топилади.**Ушбу жиноятнинг узига хос хусусияти** килмишнинг жиноят кодекси махсус кисмининг бир моддасида ёки бир моддасининг битта бандида назарда тутилган жиноятни содир этиши хисобланади,лекин шахснинг жиноий жавобгарликдан озод килиш асосларига кура жазодан ёки жавобгарликдан озод килинганлик, жавобгарликка тортиш муддатининг утиб кетганлигини хукукий окибати конуда курсатилмаган.

2Жиноятлар жами-жиноят кодекси махсус кисмининг турли моддасида ёки бир моддасининг турли бандларида назарда тутилган икки ёки ундан ортик килмишни содир этиш.башарти шахс уларнинг биронтаси учун судланмаган

¹¹булса, жиний жавабгарликдан озод килиш асосоарига кура жавабгарликдан ва жазодан озод килинмаган булса,шунингдек жинийт кодексининг икки ёки ундан ортик моддаларида назарда тутилган окибатни келтириб чикарган бир харакат ёки харакатсизлик хам жинийтлар жами сифатида белгиланган.***Ушбу жинийтнинг узига хос хусусияти:***

а)килмишнинг жинийт кодекси тулии моддаларида ёки бир моддасининг турли бандларида назарда тутилганлиги,

б)шахсининг Ушбу килмишлари учун судланмаганлиги ва жинийт жавабгарликдан ёхуд жазодан озод килинмаганлиги

в)шахсни жавабгарликка тортиш муддатининг утиб кетмаганлиги

3Рецидив жинийт-шахсининг илгари касддан содир этган жинийти учун хукм килинганидан сунг,касддан янги жинийт содир этиши рецидив жинийт деб топилади.

Шахсининг илгари касддан содир этган жинийти учун икки марта озодликдан махрум килинган шахсининг озодликдан махрум этиш жазоси тайинланиши мумкин булган касддан янги жинийт содир этиши,илгари касддан содир этган огир жинийти учун судланган шахсининг касддан огир жинийт содир этиши-***хавфли рецидив жинийт деб топилади.***

¹¹ Киргизистон жинийт кодекси 97-й 18-сентябрь,умумий кискм 2-боб,47-49 бетлар
Юридикский центр пресс 2001й.Конд.юринд.наук Стуканова

Шахснинг илгари касддан содир этган огир ёки унча огир булмаган жинояти учун озодликдан махрум этилган шахснинг оздликдан махрум этиш жазоси тайинланиши мумкин булган касддан янги жиноят содир этиши,илгари касддан содир этган икки огир ёки бир ута огир жинояти учун хукм килинган шахснинг касддан огир жиноят содир этиши,илгари касддан содир этган огир ёки ута огир жинояти учун хукм килинган шахснинг касддан ута огир жиноят содир этиши-*ута хавфли рецидив деб топилади*.Шахсни ута хавфли рецидивист деб топишда унинг 18 ёшгача жиноят содир этганлиги,судланганликнинг олиб ташланганлиги ёки тугатилганлиги ахамиятга эга эмас.*Ушбу жиноятнинг узига хос хусусияти* шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганилан сунг касддан янги жиноят содир этиши хсобланади.Шахснинг рецидив жиноятларни содир этиши жиноят конуни огиррок жазо билан камраб олади.

ПОЛЬША

Польша давлати жиноят конунчилиги бир канча жиноятларни содир этиш деганда факатгина такроран жиноятларни назарда тутган

Такроран жиноят содир этиш-касддан содир этган жинояти учун 6 ойдан кам булмаган муддатга озодликдан махрум килинган шахсининг жавобгарликка тортиш муддати утмасдан шунга ухшаш касддан янги жиноят содир этиши такроран жиноят содир этиш деб топилади, жавобгарликка тортиш муддати 5 йил килиб белгиланган.

Польша давлати жиноят конунчилиги килмишларни бир канча жиноят сифатида турларга ажратмаган, яни килмиш жиноят кодексининг бир моддасидаёки унинг турли моддаларида назарда тутилганлиги ахамиятга эга эмас. Килмишнинг илгарги жавобгарлик келиб чикканидан сунг содир этилиши, килмишни рецидив жиноят деб эмас балки, такроран деб топилишига сабаб булади, бу бошка давлатларнинг жиноят конунида учрамайдиган ҳолатдир. ***Ушбу давлатнинг жиноят конунчилигида***

¹² Польша жиноят кодекси умуммий қисм, 7-боб, 77-78 бетлар
Юридический центр пресс 2001й

килмишни бир канча жиноят деб топишнинг зарурий белгиси:

а) бирдан ортик килмишнинг содир этилганлиги

б) жавобгарликка тортиш муддатининг утиб кетмаганлиги

в) жиноий тажовуз бир объектга ёки бир-бирига якин объектга каратилганлиги

Унинг яна бир узига хос хусусияти жиноят конуни такроран жиноятларни бир канча килмиш сифатида ҳукукий белгиларини аниклаштирмасдан, уларга жиноий жазо тайинлаш масаласига эътибор қаратган.

ХУЛОСА

Юкорида куриб чикиб тахлил этилган бир канча давлатларнинг барчасида жамият учун хавфли булган бирдан ортик ижтимоий хавфли килмишлар жиноятларнинг жами сифатида жиноят конунида белгилаб куйилган. жиноят конунлари шахснинг килмишларини бир канча жиноят деб топишда ушбу килмишнинг жиноят кдоекси бир моддасида ёки унинг бир кисмида ёхуд унинг турли моддаларида ёки бир моддасининг турли бандларида назарда тутилганлигини, килмишларнинг ягона жиноий касд билан камраб олинганлигини шахснинг жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод килинмаганлиги ёки килинганлигини, шахснинг судланганлигини, жаовбгарликка тортиш муддатининг утиб кетмаганлигини эътиборга олган. Умуман барча давлатларнинг жиноят конунчилиги такроран жиноятлар учун крнуннинг мурасасизлиги ва жавобгарликнинг огирлигини белгилаган. Бунга сабаб бир канча жиноятларни содир этиш жамият учун жуда катта хавф тугдиради. Масалан: такроран ва жиноятлар жамини содир этиш жиноятчиликни рағбатлантиради, жавобгаоликдан куркмаслик, жазонинг

мукаррарлигига ишонмаслик, конунга хурматсизлик хиссини кучайтиради. Рецидив жиноятлар эса шахснинг лигари касддан содир этиган жинояти учун судланганидан сунг, килмишдан етарлича хулоса чиқармасдан, касддан янги жиноят содир этишига олиб келади., шунинг учун ҳам жиноят конуни бир канча жиноят содир этганлик учун ушбу килмишларни назарда тутувчи кодекс махсус кисимнинг тегишли моддаси буйича огиррок жазоларни назарда тутади. Жамият бир канча жиноятларни содир этилишини олдини олиш учун хукукни мухофаза килувчи органлар фаолиятиниянада кучайтириш ва фукароларнинг хукукий фаоллигини ошириши лозим. Юкоридаги давлатларнинг жиноят конунини урганиб шундай хулосага келдимки, Узбекистон республикаси жиноят конуни бир канча жиноятларни бошка давлатлардан фаркли уларок килмишнинг хар бир белгисига етарли даражада хукукий бахо бера олган. Бу холатни республика жиноят конунчилиги ривожланган давлатларнинг жиноят конунчилигининг авзал жихатларини ваижобий томонларини мазмунна тугри узлаштирилганидан деб бахолаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

- 1.Узбекистон республикаси жиноят кодексига шархлар.**
- 2.Козогистон республикаси жиноят кодекси**
- 3.Киргизистон республикаси жиноят кодекси**
- 4.Япония жиноят кодекси**
- 5.Россия федерацияси жиноят кодекси**
- 6.Украина жиноят кодекси**
- 7.Польша жиноят кодекси**
- 8.Тожикистон республикаси жиноят кодекси**
- 9.Болгария жиноят кодекси**
- 10.Латвия жиноят кодекси**